

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
1	Тўлиқ:	Акциядорлик тижорат "Алоқабанк"						
	Қисқартирилган:	АТ "Алоқабанк"						
	Биржа тикерининг номи:	ALKB						
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ								
2	Жойлашган ери:	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.						
	Почта манзили:	100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.						
	Электрон почта манзили:	info@aloqabank.uz						
	Расмий веб-сайти:	www.aloqabank.uz						
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ								
Муҳим фактнинг рақами:		06						
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар						
Умумий йиғилиш тури:		Йиллик						
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:		24 апрель 2018 йил						
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:		25 апрель 2018 йил						
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:		Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси 4-уйда жойлашган АТ "Алоқабанк" биносининг мажлислар зали						
Умумий йиғилиш кворуми:		98,28 фоиз						
№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш якунлари						
		ёқлаш		қарши		бетарафлар		
		%	сони	%	сони	%	сони	
3	1	АТ "Алоқабанк" акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.	100,0	1 919 948 827	-	-	-	-
	2	АТ "Алоқабанк"нинг 2017 йил иш фаолияти якунлари бўйича банк Кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	1 919 948 827	-	-	-	-
	3	АТ "Алоқабанк"нинг 2017 йил иш фаолияти якунлари ҳамда 2018 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги банк Бошқаруви Раиси ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	1 919 948 827	-	-	-	-
	4	АТ "Алоқабанк"нинг 2017 йил иш фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	1 919 948 827	-	-	-	-
	5	АТ "Алоқабанк"нинг 2017 йил иш фаолияти якуни бўйича аудиторлик ҳисоботи.	100,0	1 919 948 827	-	-	-	-
	6	АТ "Алоқабанк"нинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.	100,0	1 919 948 827	-	-	-	-
	7	АТ "Алоқабанк"нинг 2017 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш.	100,0	1 919 948 827	-	-	-	-
8	Банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.							
		Камаева Розалия Раисовна	99,93	1 918 686 224	-	-	0,07	1 262 603
		Сатторов Илхом Ачилович	99,93	1 918 686 224	-	-	0,07	1 262 603
		Дадамухаммедов Рустам Абдугаппарович	100,0	1 919 948 827	-	-	-	-
		Содиқова Мухаё Мухамедумаровна	99,93	1 918 686 224	-	-	0,07	1 262 603
		Мавлюдов Элдар Хайратдинович	99,93	1 918 686 224	-	-	0,07	1 262 603

АТ "Алоқабанк" Кенгаши аъзоларини сайлаш.							
Номзодлар тўғрисида маълумот							
№	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар			
				тури	сони		
1	Ахмедхаджаев Азим Исраилович	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Вазир				1 407 992 830
2	Пак Вячеслав Юрьевич	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги	Вазир ўринбосари				709 097 894
3	Шерматов Шерзод Хотамович	Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлиги	Вазир ўринбосари	Имтиёзли	48 975		708 603 807
4	Умаров Олимжон Мухаммаджонович	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Вазирнинг биринчи ўринбосари	Имтиёзли	5 400		710 086 069
5	Юсупов Азиз Шухратович	Ахборот - коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	Директор				1 385 580 159
9	6	Исмаилов Даврон Анваржанович	Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг молиявий назорат ва инвестицияларни бошқариш бўлими	Бўлими бошлиғи			709 591 982
	7	Мухтаров Улуғбек Хакимович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Лойиҳаларни амалга оширишни мониторинг қилиш бошқармаси	Бошқарма бошлиғи			6 214 591 977
	8	Хайтметов Рустам Махкамджанович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Бухгалтерия ҳисоби ва активларни бошқариш бўлими	Бўлим бошлиғи – бош бухгалтер			6 213 603 802
	9	Григорян Шаген Шаэнович	"Ўзбектелеком" АК	Молия директори			1 382 610 636
	10	Иминов Тоҳиржон Каримович	"ALSKOM" АЖ суғурта компанияси	Бош директор	Имтиёзли	431 250	710 580 156
	11	Тешабаев Тўлқин Закирович	Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялари Университети	Ректор	Имтиёзли	54 760	709 601 986
10	АТ "Алоқабанк" акцияларини сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида.		100,0	1 919 948 827	-	-	-
11	Банкка аффилиланган шахс "Ўзбектелеком" АК билан тузиладиган битимларни маъқуллаш тўғрисида.		100,0	1 735 857 917	-	-	-
12	АТ "Алоқабанк"нинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.		100,0	1 919 948 827	-	-	-
13	АТ "Алоқабанк"нинг устав капиталини ошириш тўғрисида.		99,33	1 907 150 917	-	-	0,67 12 797 910
14	АТ "Алоқабанк"нинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.		99,33	1 907 150 917	-	-	0,67 12 797 910

**Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:**

1	АТ “Алоқабанк” акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди.
2	1. АТ “Алоқабанк” Кенгашининг 2017 йил якунлари бўйича берган ҳисоботи тасдиқланди ва иш фаолияти қониқарли деб белгиланди.
3	<p>1. АТ “Алоқабанк” фаолиятининг 2017 йил якунлари бўйича банк Бошқаруви Раисининг ҳисоботи тасдиқлансин ва ҳисобот давридаги иш фаолияти қониқарли деб белгиланди.</p> <p>2. АТ “Алоқабанк” Бошқаруви томонидан 2018 йилда бажарилиши лозим бўлган куйидаги устувор вазифалар тасдиқланди:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>• Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли қарори талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида, 2017-2021 йилларда банк тизимида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастурини тўлиқ бажариш;</li><li>• хизматлар кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қилиш, иш фаолияти самарадорлигини янада оширишга, замон талабларига жавоб берадиган, янгича ёндашув билан иш юритиш;</li><li>• 2017 йил 13 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли қароридан банк тизими олдида мажбурий захира нормаларини қўллаш методларини такомиллаштириш, пул бозори ҳолатидан келиб чиқиб қисқа муддатли банклараро депозитларни жойлаштириш ва жалб қилиш бўйича ягона банклараро депозитлар бозори платформасидан фойдаланишни ташкил этиш, очиқ бозор сиёсатини ҳамда давлат қимматли қоғозларидан фойдаланиш механизмининг ривожлантириш, пул-кредит сиёсати инструментларидан самарали фойдаланиш ва уларни доимий такомиллаштириб бориш ҳамда банк тизимидаги, хусусан, пул-кредит сиёсатидаги амалга оширилаётган ислохотларнинг шаффофлигини ошириш;</li><li>• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан зарурий чоралар кўриб бориш;</li><li>• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармонида тижорат банкларига қўйилган талабларнинг бажариш;</li><li>• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинча меҳнат фаолиятларини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3584-сонли қарори билан АТ “Алоқабанк”га юклатилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш;</li><li>• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарори талабларига риоя қилинишини доимий назорат қилиб бориш;</li><li>• банк назорати бўйича Базель кўмитасининг стандарт ва тавсияларини (Базель III стандартлари) 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этиш борасида янги қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда зарурий чораларни амалга ошириш;</li><li>• аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали уларнинг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар ва депозитларга жалб қилиш;</li><li>• бош банк ва филиалларни етакчи хорижий банклар ва молия институтлари томонидан қабул қилинган андозалар, услублар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлаб оладиган, мукамал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, банкнинг кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек банк раҳбар ходимлари захирасини мунтазам равишда сифатли шакллантириб бориш;</li><li>• банкнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш, шу жумладан иқтисодиёт тармоқлари ва соҳани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларида банк иштирокини кенгайтириш, банк томонидан қилинган инвестициялар самарадорлигини ошириш;</li><li>• кредитларни реал ва ликвидли гаров воситалари билан тўлиқ таъминланган ва кредитнинг қайтишига ишонч ҳосил қилинганидан сўнггина ажратиш, банк кредит портфелида муддати ўтган, суд жараёнидаги муаммоли кредитларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, кредитлар ҳисобига олинган мол-мулкларни сотиш бўйича тасдиқланган графиклар ижросини филиаллар кесимида қатъий назоратга олиш;</li><li>• кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар беришда лойиҳаларни биринчи навбатда, реал секторга ва янги иш ўринлари барпо қилишга, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга, маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ҳамда ҳудудларда хорижий инвестициялар иштирокида лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш орқали инновацион технологияларни олиб келиш ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш;</li><li>• АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичларни бажарилишини таъминлаш;</li><li>• банк инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг банк хизматларидан кенг кўламда фойдаланишини таъминлаш мақсадида банк тармоғини янада кенгайтириш;</li><li>• мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш ва активлар сифатини яхшилаш ҳисобига банкнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш;</li></ul>

	<ul style="list-style-type: none"> <li>• банк фаолиятини ташкил этишда банк акциядорлари манфаатларини устуворлигини сақлаш, акциядорлар томонидан банк устав капиталига киритилган инвестициялар бутлиги ва даромадлилигини таъминлаш, акциядорлар манфаатларига зид бўлган ёки уларга моддий ва бошқа шаклда зарар келтириши мумкин бўлган ҳар қандай амалиётларни амалга оширилмаслигини қатъий назоратга олиш вазифалари юклатилди.</li> </ul> <p>3. Банк Бошқаруви зиммасига банк фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорак яқунлари бўйича банк Кенгашига ҳисобот бериб бориш вазифаси юклатилди.</p>
4	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг 2017 йил иш фаолияти яқунлари бўйича тафтиш комиссияси томонидан берилган ҳисобот тасдиқланди.</p> <p>2. Банк Бошқарувига тафтиш комиссияси томонидан берилган таклиф ва тавсияларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
5	<p>1. АТ “Алоқабанк”нинг 2017 йил иш фаолияти яқунлари бўйича “PriceWaterhouse Coopers” ташқи аудиторлик компанияси томонидан берилган ҳисоботи тасдиқланди.</p> <p>2. Банк Бошқарувига “PriceWaterhouse Coopers” ташқи аудиторлик компанияси томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида белгиланган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
6	<p>АТ “Алоқабанк”нинг 2017 йил учун йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқланди.</p>
7	<p>1. 2017 йил давомида олинган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган банкнинг 65 107 047 000,0 сўм соф фойдасидан банк акциядорларининг 2017 йил 24 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан ажратилган маблағдан қолган 37 594 047 000 сўм соф фойда куйидаги тартибда тақсимланди</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- банкнинг умумий захиралар жамғармасига фойданинг – 30,0 фоизи ёки 11 278 214 100,0 сўми;</li> <li>- банкнинг имтиёзли кредитлаш жамғармасига фойданинг – 8,7 фоизи ёки – 5 683 579 872,04 сўми;</li> <li>- банк Бошқаруви ихтиёридаги жамғармага фойданинг – 2 фоизи ёки 751 880 940,0 сўми;</li> <li>- банкнинг имтиёзли акциялари оралиқ дивидендларига 435 600 000,0 сўми;</li> <li>- банкнинг 2017 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасидан 435 600 000,0 сўми банкнинг имтиёзли акцияларига 2017 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун тўланган дивидендларга қўшимча равишда 2017 йил якуни бўйича бир дона имтиёзли акцияга 24 сўм 20 тийин ёки номинал қийматига нисбатан 20 фоиз дивиденд тўловлари тўлансин;</li> <li>- банкнинг 2017 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасидан 18 909 993 652,88 сўмини банкнинг оддий акцияларига 2017 йил якуни бўйича бир дона оддий акцияга 9 сўм 68 тийин ёки номинал қийматига нисбатан 8 фоиз ҳисобидан дивиденд тўловлари тўлашга йўналтирилди.</li> </ul> <p>Банкнинг 2017 йил давомида олган соф фойдасини қолган 99 178 435,08 сўм ва банкнинг 2017 йил давомида олган соф фойдаси билан ташқи аудиторлик компанияси томонидан Халқаро бухгалтерия стандартларига мувофиқ тасдиқланган соф фойдаси ўртасидаги фарқ 5 600 660 707,0 сўм жами 5 699 839 142,08 сўм тақсимланмаган фойда сифатида қолдирилди.</p> <p>2. Банкнинг оддий ва имтиёзли акцияларига 2017 йил якуни бўйича тўланадиган дивидендлар 2018 йилнинг 18 апрель куни ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестри асосида 2018 йилнинг 25 апрелидан бошлаб 2018 йил 22 июнигача амалга оширилсин.</p> <p>3. Банк Бошқаруви зиммасига дивиденд тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш вазифаси юклатилди.</p>
8	<p>АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йилги иш фаолияти юзасидан тафтишдан ўтказиш учун 5 аъзодан иборат бўлган тафтиш комиссияси куйидаги таркибда сайланди:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Камаева Р.Р – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инвестициялар ва молия назорати бошқармаси Молиявий назорат бўлими бошлиғи;</li> <li>2) Сатторов И.А – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инвестициялар ва молия назорати бошқармаси Молиявий назорат бўлими бош мутахассиси;</li> <li>3) Дадамухаммедов Р.А – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи;</li> <li>4) Содикова М.М. – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Бухгалтерия ҳисоби ва активларни бошқариш бўлими бош мутахассиси;</li> <li>5) Мавлюдов Э.Х. – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Лойиҳаларни амалга оширишни мониторинг қилиш бошқармаси бош мутахассиси.</li> </ol>
9	<p>1. АТ “Алоқабанк” Кенгаши аъзоларининг сони 11 кишидан иборат бўлиб, куйидаги таркибда сайланди:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) Ахмедхаджаев А.И. – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири;</li> <li>2) Умаров О.М. – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазининг биринчи ўринбосари;</li> <li>3) Григорян Ш.Ш. – “Ўзбектелеком” АК Молия директори;</li> <li>4) Пак В.Ю. – Ўзбекистон Республикаси Молия Вазири ўринбосари;</li> <li>5) Шерматов Ш.Х. – Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазири ўринбосари;</li> <li>6) Юсупов А.Ш. – Ахборот - коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси директори;</li> </ol>

	<p>7) Исмаилов Д.А. – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг молиявий назорат ва инвестицияларни бошқариш бўлими бошлиғи;</p> <p>8) Мухтаров У.Х. – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ижрочи директори вазифасини бажарувчи;</p> <p>9) Хайтметов Р.М. – Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Бухгалтерия ҳисоби ва активларни бошқариш бўлими бошлиғи – бош бухгалтери;</p> <p>10) Иминов Т.К. – СК “Alskom” АЖ суғурта компанияси Бош директори;</p> <p>11) Тешабаев Т.З. – Тошкент Ахборот Технологиялари Университети ректори.</p> <p>2. АТ “Алоқабанк” Кенгаши йиғилишининг қарори билан Кенгаш аъзолари таркибидан банк Кенгаши раиси ва унинг ўринбосари овоз бериш йўли билан сайлансин.</p>
10	<p>Банк томонидан ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир йил давомида қўшимча чиқариладиган акцияларни акциядорлар томонидан сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқи қўлланилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди.</p>
11	<p>1. АТ “Алоқабанк” ва “Ўзбектелеком” АК ўртасида тузилиши мумкин бўлган ҳар қандай битимлар, шу жумладан банк операциялари, хусусан кредит, лизинг, банк кафолати, кафиллик, депозит, своп ва спот битимлари, суғурта, пул маблағлари ва тўловларни ўтказиш билан боғлиқ операциялар, гаров ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа операциялар ҳамда “Ўзбектелеком” АК томонидан кўрсатилаётган хизматлари юзасидан тузиладиган битимлар бўйича ҳар бир битимнинг суммаси банк соф активларининг 50 (эллик) фоизигача бўлган ҳолларда битимларни тузишга олдиндан рухсат берилди.</p> <p>2. АТ “Алоқабанк” Бошқаруви ва Кенгаши қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ушбу операцияларнинг тўғри ва қонуний амалга оширилишини таъминласин.</p> <p>3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тафтиш комиссияси зиммасига юклатилди.</p>
12	<p>АТ “Алоқабанк”нинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилди ва тасдиқланди.</p>
13	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинча меҳнат фаолиятларини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3584-сонли қарори ижро учун қабул қилинди.</p> <p>2. АТ «Алоқабанк» Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг 50 000 000 000,0 сўмдан тенг улушларда маблағлари ҳисобига, жами 100 000 000 000,0 сўмлик ёпиқ обуна тартибда қўшимча акцияларини чиқарсин, шунингдек чиқарилаётган акцияларни номинал қийматда жойлаштиришни амалга оширсин.</p> <p>3. Банк Кенгаши зиммасига мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
14	<p>1. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 4 133 000 000 (тўрт миллиард бир юз ўттиз уч миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони – 4 125 000 000 (тўрт миллиард бир юз йигирма беш миллион) дона;</li> <li>- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони – 8 000 000 (саккиз миллион) дона этиб белгилансин.</li> </ul> <p>2. АТ “Алоқабанк”нинг устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони белгиланиши муносабати билан, банк Уставига ўзгартиришлар киритилди ва тасдиқланди.</p> <p>3. Банк Бошқаруви зиммасига АТ “Алоқабанк”нинг Уставига киритилган ўзгартиришларни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилди.</p>
<b>Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар</b>	
Эски таҳрири	Янги таҳрири
<b>III. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ</b>	<b>III. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ</b>
<p>3.5. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 1 499 090 910 (бир миллиард тўрт юз тўқсон тўққиз миллион тўқсон минг тўққиз юз ўн) донани ташкил этади, шу жумладан:</p> <p>3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 1 491 090 910 (бир миллиард тўрт юз тўқсон бир миллион тўқсон минг тўққиз юз ўн) дона;</p> <p>3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.</p>	<p>3.5. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 4 133 000 000 (тўрт миллиард бир юз ўттиз уч миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:</p> <p>3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 4 125 000 000 (тўрт миллиард бир юз йигирма беш миллион) дона;</p> <p>3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.</p>

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бош бухгалтер

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган  
ваколатли шахс

Н.Насретдинова

Х.Бўронов

М Чагаев

# АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ 1-сон БАЁННОМАСИДАН

## КЎЧИРМА

АТ «Алоқабанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши **2018 йил 24 апрелда** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси 4-уйда жойлашган АТ «Алоқабанк» биносининг мажлислар залида ўтказилди.

Йиғилишга банк Кенгаши аъзоси Т.Иминов раислик қилди.

Йиғилишда банк акциядорлари, Кенгаш ва Бошқарув аъзолари, Бош банкнинг департамент, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Амалиёт бошқармаси ва филиаллар раҳбарлари иштирок этди.

АТ «Алоқабанк» акциядорларининг аввалги йиғилишида сайланган саноқ комиссияси раиси И.Исроилов умумий йиғилишни ўтказиш учун кворум борлиги тўғрисида маълумот берди.

### **14. АТ «Алоқабанк»нинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

---

Банк юридик бошқармаси бошлиғи А.Абдукахаров

АТ «Алоқабанк» Уставининг янги таҳрири 2017 йил 5 сентябрдаги акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган бўлиб, 2017 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган.

АТ «Алоқабанк»нинг шакллантирилган устав капитали миқдори 238 552 920 661 сўмни ташкил этиб, номинал қиймати 121 сўм бўлган эгасининг номи ёзилган 1 953 511 741 дона оддий ва 18 000 000 дона имтиёзли акциялардан иборат.

АТ «Алоқабанк»нинг капиталлашув даражасини доимий ошириб бориш мақсадида, банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 4 133 000 000 (тўрт миллиард бир юз ўттиз уч миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:

- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони – 4 125 000 000 (тўрт миллиард бир юз йигирма беш миллион) дона;

- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона этиб белгилаш таклиф этилди.

АТ «Алоқабанк»нинг устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони белгиланиши

муносабати билан, банк Уставига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритиш масаласи йиғилишда муҳокама этилди.

**Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ушбу масалани муҳокама қилиб,**

### **Қ А Р О Р Қ И Л Д И:**

1. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 4 133 000 000 (тўрт миллиард бир юз ўттиз уч миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:

- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони – 4 125 000 000 (тўрт миллиард бир юз йигирма беш миллион) дона;

- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони – 8 000 000 (саккиз миллион) дона этиб белгилансин.

2. АТ “Алоқабанк”нинг устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони белгиланиши муносабати билан, банк Уставига 7-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин.

3. Банк Бошқаруви зиммасига АТ “Алоқабанк”нинг Уставига киритилган ўзгартиришларни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

Йиғилиш кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

Ёқлаганлар - 1 907 150 917 та овоз; Қаршилар - 0 та овоз; Бетарафлар – 12 797 910 та овоз.

Кўчирма аслига тўғри  
Мажлис котиби



И.Ибрахимов

Банк акциядорларининг йиллик умумий  
йиғилиши қарорига  
7-Илова

<b>ЭСКИ ТАҲРИРИ</b>	<b>ЯНГИ ТАҲРИРИ</b>
<b>III. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ</b>	<b>III. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИ ВА БОШҚА МАБЛАҒЛАРИ</b>
<p>3.6. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 1 499 090 910 (бир миллиард тўрт юз тўқсон тўққиз миллион тўқсон минг тўққиз юз ўн) донани ташкил этади, шу жумладан:</p> <p>3.5.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 1 491 090 910 (бир миллиард тўрт юз тўқсон бир миллион тўқсон минг тўққиз юз ўн) дона;</p> <p>3.5.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.</p>	<p>3.5. Устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар сони 4 133 000 000 (тўрт миллиард бир юз ўттиз уч миллион) донани ташкил этади, шу жумладан:</p> <p>3.6.1. эгасининг номи ёзилган оддий акциялар сони - 4 125 000 000 (тўрт миллиард бир юз йигирма беш миллион) дона;</p> <p>3.6.2. эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар сони - 8 000 000 (саккиз миллион) дона.</p>